

Lekin yana shuni ham aytib o'tish lozimki, baliqchilikni rivojlantirish uchun davlat tomonidan katta e'tibor qaratilishidan, yerlar ajratilishidan, imtiyozlar berilishidan, uskuna va jihozlar olinishidan, nallarini yaxshilanishidan qat'iy nazar bugun bozorda baliq narxi arzon emas.

O'zbekistonda hozirgi payt foydalanib kelinayotgan hovuzlarda baliq o'stirish tizimi sharoitni boshqarishning uncha yuqori bo'lmagan darajasi bilan xarakterlanadi (bir qator rivojlangan mamlakatlar tizimi bilan taqqoslanganda). Eng yaxshi baliqchilik xo'jaliklarida baliqchi quyidagi ishlarni amalga oshirish imkoniyatiga ega:

- tubi yaxshi tekislangan maydoni birmuncha katta bo'lgan hovuzlarni to'ldirishni boshqarish;

- hovuzlarga o'stiriladigan, suniy usulda olingan baliq turlarini o'tkazish (garchi bunday baliqlar

ro'yxati juda kam bo'lsada: oq do'ngpeshona, karp, ba'zan oq amur va chipor do'ngpeshona);

- xashaki baliq va boshqa organizmlarni yo'qotish elementlaridan foydalanish;

- tabiiy ozuqa bazasining rivojlanishini (ko'pincha plankton) rag'batlantirish;

- hovuzlar "gullab" ketishining ma'lum darajada oldini olish;

- baliqlarni qo'shimcha oziqlantirish;

- hovuzlar melioratsiyasi vegetatsiya davri oxirida baliqlarni to'liq tutib olish uchun hovuzlarni quritish.

Biz ilmiy izlanishlarimizda shu tomonlariga e'tibor qaratishimiz zarur bo'ladi. Kelajakda bozorlarimizni milliy baliq va baliq mahsulotlari bilan to'yintirish va uni narxini pasaytirish bo'yicha prognozlashtirish masalalarini qarashimiz lozim bo'ladi.

### *Manba va foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:*

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha harakatlar strategiyasi to'g'risida" gi PF-4947-sonli Farmoni. O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2017 y., 6-son, 70-modda.

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 29 yanvardagi "Chorvachilik tarmog'ini davlat tomonidan ko'llab-quvvatlashning qo'shimcha chora-tadbirlari to'g'risida" PQ-4576-son qarori, <https://lex.uz/docs/4717189>

3. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020 yil 12 maydagi "Chorvachilik tarmog'iga davlat tomonidan subsidiya ajratishni tartibga soluvchi normativ-huquqiy hujjatlarni tasdiqlash to'g'risida" gi 280-son Qarori, <https://lex.uz/docs/4810009>

4. Qaxramonov B.A., Mullaboyev N.R. *Intensiv usulda baliq yetishtirish*. -T.: 2021, 96 bet

5. Niyozov I.N. *Baliqlarni oziqlantirish*, Toshkent. 2011 yil.

6. Комлацкий В. И., Комлацкий Г. В., Величко В. А. "Рыбоводство", Учебник, Санкт-Петербург, 2020, 200 с.

7. Привезенцев Ю. А., Власов В. А. "Рыбоводство", Учебник для вузов, Россия, Издательство «Мир», 2004, 234 с.

8. Shepherd C. J., Niall R. Bromage. "Intensive Fish Farming", Wiley-Blackwell. 2017, 420 pages.

9. Камиллов Б.Г., Курбанов А.Р., Халпаев И.И. "ВЫРАЩИВАНИЕ РЫБ В САДКАХ В УЗБЕКИСТАНЕ". Учебное пособие, Ташкент -2017 год, 32 с.

10. Каримов Б.К., Камиллов Б.Г., Мароти Унаре, Рэймон Ван Анрой, Педро Буэно и д.р. *Аквакультура и рыболовство в Узбекистане: современное состояние и концепция развития*. Ташкент, ФАО, 2018, 146 с.

11. Stat.uz- O'zbekiston Respublikasi Davlat Statistika qo'mitasi rasmiy sayti

## ОРГАНИК ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ОБЪЕКТИВ ЗАРУРИЯТИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

**Ашурметова Нигора Азатбековна** –  
иқтисод фанлари номзоди, доцент,  
Тошкент давлат аграр университети

**Ҳамдамова Гавхарой Тўйчибой қизи** –  
Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси иқтисодиёти  
илмий-тадқиқот институти докторанти

**Аннотация.** Бугунги кунда органик ишлаб чиқариш анъанавий қишлоқ хўжалигига самарали алтернатив ҳисобланиб, унинг ривожланиши нафақат инсон саломатлиги учун фойдали юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга имкон беради, балки атроф-муҳитни муҳофаза қилишга, мамлакат ҳудудларининг экологик, ижтимоий ва иқтисодий ривожланишининг барқарорлигини оширишга ёрдам беради. Мақолада органик қишлоқ хўжалигининг баъзи назарий жиҳатлари ва дунёдаги ривожланиш тенденциялари ёритилган.

**Асосий тушунчалар:** органик ишлаб чиқариш, органик қишлоқ хўжалиги, назорат, стандартлаштириш, тамғалаш, сертификатлаш, экология.

ОБЪЕКТИВНАЯ НЕОБХОДИМОСТЬ И ПРИНЦИПЫ РАЗВИТИЯ  
ОРГАНИЧЕСКОГО СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА

*Ашурметова Нигора Азатбековна –*

*кандидат экономических наук, доцент*

*Ташкентского государственного аграрного университета*

*Ҳамдамова Гавхарой Туйчибой кизи –*

*докторант НИИ экономики сельского хозяйства*

*и продовольственной сферы,*

**Аннотация.** *Сегодня органическое производство является эффективной альтернативой традиционному сельскому хозяйству, поскольку его развитие не только позволит производить полезные для здоровья человека продукты питания высокого качества, но и способствует сохранению окружающей среды, повышению устойчивости эколого-социального и экономического развития регионов страны. В статье освещены некоторые теоретические аспекты органического сельского хозяйства и тенденции его развития в мире.*

**Ключевые слова:** *органическое производство, органическое сельское хозяйство, контроль, стандартизация, маркировка, сертификация, экология.*

OBJECTIVE NECESSITY AND PRINCIPLES FOR THE DEVELOPMENT  
OF ORGANIC AGRICULTURE

*Ashurmetova Nigora Azatbekovna –*

*candidate of Economic Sciences, associate professor,*

*Tashkent State Agrarian University*

*Xamdamova Gavxaroy Tuychiboy qizi –*

*doctoral student of the Research Institute of Agriculture and Food Economics*

**Annotation.** *Today, organic production is an effective alternative to traditional agriculture, since its development will not only allow the production of high quality food products that are healthy for human health, but also contribute to the preservation of the environment, increase the sustainability of the ecological, social and economic development of the country's regions. The article highlights some theoretical aspects of organic agriculture and trends in its development in the world.*

**Key words:** *organic production, organic agriculture, control, standardization, labeling, certification, ecology.*

**Кириш.** Бугунги кунда аграр соҳада ислотларни амалга оширишнинг пировард мақсади қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш ва буларнинг эвазига мамлакатда озиқ-овқат хафвсизлигини таъминлаш ҳисобланиб, ушбу мақсадларга эришишда органик қишлоқ хўжалигини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Органик ишлаб чиқаришнинг ривожланиш тенденциялари дунёнинг 180 дан ортиқ мамлакатларида долзарб бўлиб, органик маҳсулотлар турли объектив сабабларга кўра аҳолининг кўплаб қатламлари орасида оммалашиб бораётгани туфайли бу кўрсаткич йилдан йилга ошиб бормоқда. Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабнинг ўсиши нафақат аҳолини экологик тоза озиқ-овқат билан таъминланишидан, балки тупроқнинг табиий хусусиятларини тиклаш заруриятидан келиб чиқади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) мутахассислари қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг глобал тенденцияларини таҳлил қилиб, деярли барча мамлакатларда экин майдонларини интенсив ишла-

тиш, кимёвий моддалар ва захарлардан фойдаланишни кўпайитириш натижасида сув ва шамол эрозиясининг кучайиши, тупроқдаги озукавий моддаларнинг ювилиб кетиши ва инсоннинг ўзи сабабчи бўлган табиий офатларнинг кўпайиши содир бўлмоқда деган хулосага келишди. Қўлланиладиган минерал ўғитлар дозаларини ҳаддан ташқари ошириш, бегона ўтлар ва ўсимлик зараркундаларига қарши пестицидлардан фойдаланиш, оғир техника билан ерларни интенсив шудгорлаш экологияга, инсон яшаш муҳитига салбий таъсир кўрсата бошлади. Шу боис, Европа ва Америка олимлари ва амалиётчилари экологик муаммони ҳал қилиш учун ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб турли мамлакатларда жуда тез тарқалиб, иқтисодий жиҳатдан муҳим соҳага айланиб бораётган органик қишлоқ хўжалигига ўтишни таклиф қилдилар.

Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда атроф-муҳитни ифлослантирмайдиган, табиий мувозанатни бузмайдиган, одамларга ва бошқа тирик мавжудотларга зарар бермайдиган ва ишлаб чиқаришдан истеъмолга қадар бўлган барча жараёнлар назорат остида

ва ҳар бир босқич назорат қилинадиган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш усули қўлланилади. Маҳсулот етиштиришда турли кимёвий воситалар, минерал ўғитлар, антибиотиклар, ўсиш гормонларидан фойдаланиш ва генетик модификацияланган экин навларини экиш қатъиян тақиқланади. Истеъмолчи эса айнан шуни истайди. Яъни, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларнинг табиий тупроқ унумдорлигини сақлаш вазифалари билан истеъмолчиларнинг экологик хавфсиз, соғлом озиқ-овқат маҳсулотларини олиш мақсади уйғунлашади.

Органик қишлоқ хўжалиги биофизик ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш имконини берадиган кўплаб синергетик афзалликларга эга, бу эса ўз навбатида очлик, қашшоқликка қарши курашга, шаҳарга нисбатан қишлоқ аҳолиси турмуш даражасидаги тенгсизликни бартараф этишга ҳамда табиий ресурслар ва маданий хилма-хилликни сақлаб қолишга ёрдам беради. Шуларни инобатга олган ҳолда, кўпчилик мамлакатларда органик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар, имтиёз ва преференциялар яратишга, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилиб келмоқда. Шу билан бирга, сўнги 10 йил ичида органик қишлоқ хўжалиги барқарор равишда ривожланиб боришига қарамасдан, бугунги кунда органик маҳсулотларга бўлган талаб таклифдан анча юқори бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда ҳам органик маҳсулотларни етиштириш ва бозорларни ташкил этиш учун табиий ва иқтисодий имкониятлар (заҳарли моддалар билан зарарланмаган экин майдонлари, генетик модификацияланган организмлар (ГМО)дан ҳоли минтақалар) юқори десак муболаға булмайди, лекин ушбу соҳада илмий изланишларнинг камлиги, қишлоқ хўжалиги фаолиятини тартибга солиш ва органик озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича қонунчиликнинг яратилмаганлиги, органик қишлоқ хўжалигини ривожланишига тўсиқ бўлмоқда. Айтиб ўтиш жоизки, 2018 йил 17 октябрдаги “Мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар туғрисида”ги ПҚ-3978-сонли қарорларида мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилиш тизимини такомиллаштириш ва “Global GAP”, “Halal” ва “Organic” сифат стандартларини жорий этишни жадаллаштириш борасида бир қатор вазифалар юклатилган[1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 майдаги ПФ-5995-сонли “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар туғрисида”ги Фармони ҳам рес-

публикамизда органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш соҳасини ривожлантириш учун имкониятлар яратмоқда[2]. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлаш учун Вазирлар Маҳкамаси 18.11.2020 йилдаги “Органик маҳсулотлар ва хомашёлар ҳамда органик-минерал ўғитларнинг хавфсизлигига доир айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш туғрисида” 729-сон қарорни қабул қилди. Қарор билан Органик маҳсулотлар ва хом ашёларни ишлаб чиқарувчилар реестрини шакллантириш ҳамда юритиш тартиби туғрисидаги низом тасдиқланди. Органик ва органик-минерал ўғитларнинг хавфсизлиги туғрисидаги умумий техник регламент тасдиқланиб, у ушбу маҳсулотларнинг хавфсизлигига, ишлаб чиқаришга, ташишга, сақлашга, йўқ қилишга, қайта ишлашга ҳамда сотишга қўйиладиган талабларни белгилайди ва 2022 йил 1 майдан амалга киритилади [3].

Аммо, органик қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш тизимларини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг «Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш туғрисида»ги қонуни ҳали ҳам қабул қилинмаганлиги, жаҳон бозорида маҳсулотларга қўйилган сифат ва хавфсизлик талабларининг тобора кучайиб бориши, республикамизда етиштирилаётган маҳсулотларнинг халқаро бозорлардаги ўрнини мустаҳкамлаш учун қўшимча чоралар кўришни, жумладан органик қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, органик усулда қишлоқ хўжалик маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва истеъмолчиларнинг экологик соф маҳсулотларга бўлган талабни қондириш, ишлаб чиқарувчиларнинг хорижий бозорларга киришини енгиллаштириш ва экспорт географиясини кенгайтиришни талаб этмоқда.

**Адабиётлар таҳлили.** “Органик қишлоқ хўжалиги” тушунчаси дастлаб 1939 йилда Оксфорд университетининг агроном-олими лорд Нортборн томонидан киритилган, 1940 йилда эса унинг «Look to the Land» (“Ерга назар”) [24] деб номланган китобида “органик фермерлик” термини ишлатилиб, у қишлоқ хўжалигида жадаллашиб бораётган механизациялаш ва кимёлаштириш жараёнларининг ечими сифатида ёритилган.

Шу даврда Буюк Британияда органик қишлоқ хўжалигини ўрганиш билан Альберт Говард [23] ва Ив Балфор [21] ҳам шуғулланган. Говард кимёвий ўғитларнинг ҳайвонлар ва ўсимликлар саломатлигига салбий таъсирини таърифлаб, ўсимлик қолдиқлари ва гўнган компост ишлатишга асосланган табиий тупроқ

унумдорлигини сақлаш тизимини таклиф қилди. У табиий деҳқончилик усулларининг афзалликларга эга эканлигини исботлади. Ив Балфор Говарднинг ишидан таъсирланиб, Буюк Британияда қишлоқ хўжалиги ерларида анъанавий ва органик деҳқончиликни солиштириш учун дунёдаги биринчи илмий тажрибани ўтказди. 1943 йилда унинг "Тирик тупрок" китоби нашр этилди ва бу 1946 йилда органик қишлоқ хўжалигида энг машхур ва обрўли ташкилотлардан бири - Буюк Британиянинг Тупрок ассоциацияси (Soil Association)ни ташкил этилишига олиб келди.

Шунингдек, органик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари Ф.Х. Кинг (F.H. King), Штайнер (R. Steiner), Д. Родэйла (J. Rodale), Х.Найберг (H.Nieberg), Ж.Сандерс (J.Sanders) [22, 25, 27] ва бошқа хорижий олимларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

1972 йилда ташкил этилган Халқаро органик қишлоқ хўжалиги ҳаракати Федерацияси (IFOAM - International Federation of Organic Agriculture Movements) дунёда тан олинган етакчи органик деҳқончилик стандартларини белгиловчи ташкилот ҳисобланиб, бугунги кунда унинг норматив талаблари органик ишлаб чиқаришнинг халқаро қафолатлар тизими учун асос ҳисобланади. IFOAMга кўра, "Органик қишлоқ хўжалиги - тупроқ, экотизим ва инсонлар соғлиғини қўллаб-қувватловчи ишлаб чиқариш тизимидир. Бу тизим экологик жараёнлар, маҳаллий шароитларга хос бўлган биологик хилма-хиллик ва табиий цикллarga таяниб, салбий таъсир кўрсатадиган ресурслардан фойдаланишдан қочади. Органик қишлоқ хўжалиги атроф-муҳитни яхшилаш, тизимнинг барча иштирокчилари учун адолатли муносабатларни ва муносиб турмуш сифатини ривожлантириш мақсадида анъаналар, инновациялар ва илмфанни уйғунлаштиради" [19].

Европа Иттифоқининг умумий органик ишлаб чиқариш стандартлари (Council Regulation (EC) No 834/2007) қуйидаги таърифни келтиради: "Органик ишлаб чиқариш - бу атроф-муҳитни муҳофаза қилишни, юқори даражадаги биодиверсификацияни, табиий ресурсларни сақлаш, ҳайвонлар ҳаётининг юқори даражасини, шунингдек, муайян истеъмолчи гуруҳларининг табиий равишда ишлаб чиқарилган ва қайта ишланган маҳсулотларни қабул қилиш истагига мос келадиган ишлаб чиқариш усулини бирлаштирадиган қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни бошқаришнинг яхлит тизимидир". [20]

Замонавий иқтисодчи олимлар орасида катта ҳисса қўшган А.И. Алтухов, Е.А. Бессонова, Я.В. Горчаков, Д.Н. Дурманов, Е. Ковалев,

Ф.Б.Прижуков, Ж. Е. Соколова, И.А. Цветков [5, 7, 8, 9, 12, 17, 18] каби россиялик олимларни кўрсатиш мумкин. Хусусан, Ж. Е. Соколова органик қишлоқ хўжалигининг асосий ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, қуйидаги таърифни беради: "Органик қишлоқ хўжалиги - маҳаллий агро-иқлим шароитларига максимал мослашишга интилиш, ички экологик мувозанатни сақлаш, атрофдаги экологик тизимлар билан мувозанатни сақлаш, маданий ва тарихий анъаналарни сақлаб қолиш ва атрофдаги қишлоқ ҳудудларининг ижтимоий-демографик ҳолатини ҳисобга олиш асосида бошқариладиган ишлаб чиқариш тизимидир". [17]

Мамлакатимизда органик қишлоқ хўжалигини ривожланиши ҳолати ва истиқболлари бўйича А.Нурбеков, У.Ақсой, Х.Муминджанов ва А.Шукуровлар [11] эътиборга молик илмий тадқиқот натижаларга эришган. Шунингдек, органик деҳқончилик масаласининг айрим жиҳатларини Г.Абдуназарова, Қ.Мирзажонов, Ф.Х.Саримсақов, А.Сайдалиев, С.Содиқова, О.Соатовлар ёритиб берган. [6, 10, 13, 14, 15, 16] Аммо, мамлакатимизда органик маҳсулотларини етиштиришга қизиқиш яқинда пайдо бўлганлиги, концептуал-методологик ёндашувларнинг етарли даражада ривожланмаганлиги, муаммонинг мунозаралилиги, органик агрооziқ-овқат маҳсулотлари бозори ҳали шакланмаганлиги боис бу масала етарли даражада ўрганилмаган.

**Тадқиқот методологияси.** Мақолани ёзишда илмий тадқиқот методларидан тадқиқот мавзусига оид маҳаллий ва хорижий илмий адабиётларни, норматив ҳужжатларни ўрганиш, олинган маълумотларни умумлаштириш, таҳлил қилиш, шунингдек, илмий билишнинг мантикийлик, тарихийлик, изчиллик ва объективлик каби умумий усулларидан кенг фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Органик қишлоқ хўжалигининг моҳиятини очиб беришга бағишланган хорижий ва маҳаллий илмий нашрларнинг таҳлили атама ва таърифларда ўхшаш жиҳатлари борлигини кўрсатади. Юқорида келтирилган ва бошқа таърифлардан кўриниб турибдики, асосий эътибор қишлоқ хўжалигини биологизациялаш ва экологизациялашни ҳисобга олган ҳолда соғлом овқатланиш муаммоларига қаратилади. Масалан, деярли барча иқтисодчилар органик қишлоқ хўжалигининг мақсади атроф-муҳитга зарар келтирадиган кимёвий воситалардан фойдаланмасдан экологик соф маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган деб билади ва истеъмолчилар учун жуда муҳим ҳисобланган жиҳатларидан бўлган органик маҳсулот муайян сертификат берувчи ташкилот стандартларига мос келиши кераклигига урғу беради. Айрим олим ва амалиётчилар кўпчилик

ишлаб чиқарувчилар (айниқса ривожланаётган мамлакатларда) органик усулда ишлаб чиқарилган маҳсулотини сертификациялашга ҳаракат қилмаслигини кўрсатиб, бундай тизимни “сертификацияланмаган органик қишлоқ хўжалиги” деб таърифлашади [26].

Умуман олганда, органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда қуйидагиларга эътибор бериш зарур:

экин турларини тупроқ иқлим-шароитларига боғлиқ ҳолда тўғри жойлаштириш;

тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида алмашлаб ва навбатлаб экиш тизимини жорий этиш;

ерга минимал ишлов бериш ва бунда ресурстежамкор технологиялардан фойдаланиш;

органик ўғитлар (гўнг, сомон, компостлар, сидерат экинлар ва бошқа органик маҳсулотлар)дан кенг фойдаланиш;

бегона ўтларга, экинлар зараркунандалари, касалликларига қарши курашишда асосан биологик кураш чораларини қўллаш;

асосий экинлар орасида ҳамкор экинлар етиштириш;

экинларни суғоришда сув тежамкор усуллардан ва технологиялардан кенг фойдаланиш;

тупроқ унумдорлигини ошириб бориш мақсадида шўрланиш, заҳланиш ва ботқоқланиш, тупроқ эрозияси, тупроқнинг заҳланиши, тупроқни турли чиқиндилар билан ифлосланишини олдини олиш тадбирларини қўллаш;

етиштириладиган ҳар бир экиннинг уруғи юқори навли ва сифатли бўлишини таъминлаш;

органик чорвачилиқда ҳайвонларни асосан экологик тоза яйловларда боқиш, табиий кўпайтириш усуллари билан фойдаланиш, барча турдаги стрессларни минималлаштириш, касалликларни фаол олдини олиш, антибиотиклар ва гормонлар каби кимёвий аллопатик ветеринария препаратларидан фойдаланишни тарк этиш ва бошқалар.

Органик қишлоқ хўжалиги концепцияси Халқаро органик қишлоқ хўжалиги ҳаракати Федерацияси (IFOAM) томонидан эълон қилинган 4 муҳим тамойилга асосланади:

1. Саломатлик тамойили. Қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик соҳасидаги ҳар қандай фаолият ҳам одамларнинг, ҳам бутун экологик тизимнинг, жумладан, ўсимликлар, ҳайвонлар ва тупроқнинг соғлигини сақлаш ва яхшилашга қаратилиши керак. Бу тамойил инсон саломатлиги экотизим саломатлиги билан узвий боғлиқ деган фикрга асосланади. Соғлом тупроқ соғлом ўсимликларга ҳаёт бахш этади, соғлом ўсимликлар эса ўз навбатида ҳайвонлар ва одамлар учун соғлом озиқ-овқат бўлади.

2. Экология тамойили. Қишлоқ хўжалигининг озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини

ишлаб чиқариш табиий экологик тизим ва табиий ҳаёт цикллари доирасида амалга оширилиши лозим. Бу йўналишдаги ҳар қандай фаолият хўжалик жойлашган муайян ҳудуднинг ўзига хос шарт-шароитлари ва хусусиятларини ҳисобга олиши шарт. Ҳеч қандай ҳолатда қишлоқ хўжалиги ландшафтини, иқлимни ва умуман атроф-муҳитни тубдан ўзгартирмаслиги керак. Шундан келиб чиқиб, органик қишлоқ хўжалиги органик (табиий) моддалардан фойдаланишга қаратилган.

3. Адолат тамойили. Қишлоқ хўжалиги барча мамлакатлар учун муносиб турмуш даражасини ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаши, қашшоқликни енгиши керак. Ҳар бир инсон юқори сифатли маҳсулотларга эга бўлиши керак. Шу билан бирга ҳайвонлар физиологик эҳтиёжлари ва инстинктларини инobatга олган ҳолда муносиб яшаш шароитига эга бўлиши керак. Ниҳоят, табиий ресурсларни тақсимлаш келажак авлод манфаатларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

4. Ҳамкорлик тамойили. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлиги ва унумдорлигини ошириш одамларнинг ҳам, табиатнинг ҳам соғлиги ва фаровонлиги ҳисобига бўлмаслиги керак. Шу нуқтаи назардан, ҳам янги, ҳам эски технологияларга бирдек танқидий қараш лозим. Технология ва иш усуллари танлашда асосий кўрсатмалар эҳтиёткорлик ва масъулиятли ёндашув ҳисобланади. Органик ишлаб чиқариш кераксиз хатарлардан ва оқибатларини тўлиқ ҳисоблаб бўлмайдиган технологияларни кенг қўллашдан қочиш керак. Бу шунинг англатадики, қишлоқ хўжалигида нафақат органик ўғитлар кимёнинг ўрнини босиши керак, балки ген муҳандислик натижаларидан ҳам фойдаланиш мумкин эмас [19].

Органик қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот институти (FiBL) ва Халқаро органик қишлоқ хўжалиги ҳаракати Федерацияси (IFOAM) томонидан ўтказилган сўнгги тадқиқот натижаларига кўра, ҳозирги вақтда ер юзида 72,3 миллион гектардан зиёди органик қишлоқ хўжалиги тамойилларига мувофиқ фойдаланилмоқда, бу дунёдаги жами қишлоқ хўжалиги ерларининг тахминан 1,5 фоизини ташкил этади (1-жадвал). 2019 йил охирига келиб, органик қишлоқ хўжалиги дунёнинг 187 мамлакатига амалга оширилди. Органик қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ташқари, бошқа фаолият турлари (йиғиш, ов ва балиқ овлаш) учун мўлжалланган органик ер майдонлари ҳам мавжуд. Уларнинг аксарияти ёввойи табиатнинг ноқишлоқ хўжалиги органик ҳудудлари: ўрмонлар, яйловлар, тоғлар, табиий сув омборлари. 2019 йилда бундай ерлар майдони 35,1 млн. гектарни, бирга-

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ

ликда барча органик майдонлар 107,4 млн. гектарни ташкил этди.

FiBL маълумотларига кўра, экологик тоза қишлоқ хўжалиги ерларининг энг кўп миқдори Австралия (35,7 млн.гектар), Аргентина (3,7

млн. гектар) ва Испания (2,4 млн. гектар) мамлакатларига тўғри келмоқда. 2019 йилда жаҳон органик озиқ-овқат бозорининг савдо айланмаси 106,4 миллиард еврони ташкил этди.

1-жадвал

### Органик қишлоқ хўжалигининг асосий кўрсаткичлари ва етакчи мамлакатлар, 2019 йил

Кўрсаткичлар	Дунёда	Етакчи мамлакатлар
Сертификатлашган органик қишлоқ хўжалигига эга мамлакатлар сони	187 мамлакат	
Органик қишлоқ хўжалик ерлари майдони	72,3 млн. га	Австралия (35,7 млн. га) Аргентина (3,7 млн. га) Испания (2,4 млн. га)
Қишлоқ хўжалик ерларининг умумий майдонида органик қишлоқ хўжалик ерларининг улуши	1,5 %	Лихтенштейн (41,0 %) Австрия (26,1 %) Сан-Томе и Принсипи (24,9 %)
Ёввойи ўсимликлар йиғиш ва бошқа органик ноқишлоқ хўжалик ерлар	35,1 млн га	Финляндия (4,6 млн га) Замбия (3,2 млн га) Намибия (2,6 млн га)
Органик маҳсулот ишлаб чиқарувчилар сони	3,1 млн	Ҳиндистон (1 366 000) Уганда (210 000) Эфиопия (204 000)
Органик озиқ овқат маҳсулотлари бозори	106,4 млрд евро	АҚШ (44,7 млрд евро) Германия (12,0 млрд евро) Франция (11,3 млрд евро)
Аҳоли жон бошига истеъмол	14,0 евро	Дания (344 евро) Швейцария (338 евро) Люксембург (265 евро)
Органик қонунчилик амал қилаётган мамлакатлар сони	108 мамлакат	Биринчи қонун ҳужжатлари АҚШда – Орегон (1974 й.) ва Калифорния (1979 й.) штатларида қабул қилинган.

*Манба: The World of Organic Agriculture: Statistics and Emerging Trends 2021 //Research Institute of Organic Agriculture FiBL IFOAM - Organics International. Edited by Helga Willer, Jan Trávníček, Claudia Meier and Bernhard Schlatter. <http://www.organic-world.net/yearbook/yearbook-2021.html>*

Органик маҳсулотлар бозори энг юқори ривожланган мамлакатлар (АҚШ, Германия, Франция, Хитой, Канада ва Италия) дунёдаги органик маҳсулотларга бўлган талабнинг 77% ни таъминлайди. Америка Қўшма Штатлари етакчи ҳисобланиб, органик маҳсулотлар бозори айланмаси 44,7 миллиард еврони, яъни умумий жаҳон органик бозорининг 42 фоизини ташкил этади. Кейинги ўринларни Германия (12,0 млрд. евро) ва Франция (11,3 миллиард евро) эгаллаган. 2019 йилда кўплаб йирик органик бозорлар юқори ўсиш суръатларини намоён этди, масалан, Франция бозори 13 фоиздан юқори ўсишга эга бўлди. 2019 йил маълумотларига кўра, органик маҳсулот ишлаб чиқарувчилари сони 3,1 миллионга етиб, бунда Ҳиндистон (1 366 000), Уганда (210 000) ва Эфиопия (204 000) етакчи ўринларни эгаллашган. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган органик маҳсулотлар истеъмоли энг юқори даражаси Дания (344 евро) ва Швейцарияда (338 евро) кузатилади. Дания органик бозорининг энг юқори улушига эга - озиқ-овқат бозори умумий ҳажмининг 12,1 фоизи [29].

Органик қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари институти (FiBL) ва Органик қишлоқ хўжалиги ҳаракати бўйича Халқаро Федерацияси (IFOAM)нинг Жаҳон органик қишлоқ хўжалиги статистикаси бўйича 2019 йилдаги нашрида Ўзбекистон Республикаси мева етиштириш бў-

йича қулай шароитга эга бўлган дунёдаги 10 та давлат қаторига киритилган ва республикамиз органик мева ишлаб чиқариш учун қулай ер майдонларига эга эканлиги қайд этилган. [4]

Юқорида айтиб ўтилганидек, қулай шароит ва имкониятлар мавжудлигига қарамадан, республикамизда органик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга етарли эътибор берилмаётганлиги нафақат атроф-муҳитга, инсонлар саломатлигига, юқори сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқаришга, балки ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва географиясини кенгайтиришга ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса қилиб айтиш мумкинки, органик қишлоқ хўжалиги – атроф-муҳитга зарар келтирадиган кимёвий воситалардан фойдаланмасдан, биологик хилма-хилликни асрайдиган, агроэкологикнинг санитария ҳолатини яхшилайдиган, тупроқ ундорлигини оширадиган, инсонлар саломатлигини муҳофаза қиладиган ишлаб чиқаришни бошқаришнинг ягона тизимидир. Бу тизимни ривожлантириш орқали кўплаб муаммоларни ҳал қилиш мумкин. Хусусан, органик қишлоқ хўжалигининг жорий этилиши қишлоқ хўжалигининг кимёвий ресурслар таъминотидан мустақиллигини таъминлаш; маҳсулот ишлаб чиқариш ва қайта ишлашнинг ёпик циклида кластерлар ва кооперацияларни ривожлантириш; депрессив ҳудудлар, қишлоқ уй хўжаликлари ва

қишлоқ агротуризм, кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши; қишлоқ хўжалиги органик маҳсулотлари экспортнинг ҳамда фермер ва деҳқон хўжаликлари даромадларининг ўсиши; органик маҳсулотлар ишлаб чиқаришга инвестициялар жалб қилиш учун шароитлар яратиш; ерларга ишлов беришда энергия сарфларининг камайиши; табиатнинг умумий ифлосланиши ва қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш натижасида йиллик иқтисодий зарарнинг пасайиши; қишлоқ аҳолисининг чиқиб кетишини олдини олиш ва иш билан таъминлаш каби масалаларни ҳал қилишда ёрдам беради.

Органик қишлоқ хўжалиги - бу илмсиғимли соҳа бўлиб, биотехнологик заводлар, микробиологик лабораторияларни ташкил қилиш, доимий мониторинг ва тадқиқотларни олиб бориш зарурлигини назарда тутати. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг махсус йўналиши сифатида, органик қишлоқ хўжалиги соҳасида вужудга келадиган муносабатларнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, алоҳида қонуний тартибга солишни талаб қилади. Юқоридагиларни инобатга олиб, органик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

аҳоли ўртасида соғлом озиқ-овқат маданиятини ривожлантириш ва органик маҳсулотлар истеъмолчини кенг тарғиб қилиш;

зарурий қонунчилик базасини яратиш, хусусан, органик қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш тизимларини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш бўйича «Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш тўғрисида»ги қонунни ишлаб чиқиш;

органик қишлоқ хўжалигини юритиш имкониятини аниқлаш учун ер ва табиий муҳитни мониторинг қилиш ва сифатли баҳолаш;

органик ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш ва молиявий қўллаб-қувватлашни йўлга қўйиш;

органик ишлаб чиқариш соҳасида авторизация, аккредитация ва сертификатлаштириш миллий тизимларни шакллантириш ва ривожлантириш;

корхонани сертификатлаш учун тупроқ, уруғ ва тайёр маҳсулотларни таҳлил қилувчи лабораториялар ташкил қилиш;

органик маҳсулотлар учун ички бозорни ривожлантириш ва маркетинг тадқиқотларини ўтказиш;

органик қишлоқ хўжалигида фаолият юритувчи тегишли мутахассислар тайёрлаш, органик ишлаб чиқарувчиларни малакасини ошириш;

органик ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун илмий асосларни ривожлантириш ва бошқалар.

### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17.10.2018 йилдаги ПҚ-3978-сонли «Мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.05.2020 йилдаги ПФ-5995-сонли «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.
3. Вазирлар Маҳкамаси 18.11.2020 йилдаги «Органик маҳсулотлар ва хомашёлар ҳамда органик-минерал ўғитларнинг хавфсизлигига доир айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 729-сон Қарори.
4. Ўзбекистон Республикасида органик қишлоқ хўжалиги ва органик озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш Концепцияси.
5. Алтухов А.И. Развитие продовольственного рынка России. Ч. 1 / А.И. Алтухов, Г.И. Макин, М.А. Бабков. - М.: АгриПресс, 1999. - 336 с.
6. Абдуназарова Г. Органик деҳқончилик: истиқбол сари қадам // Солиқ ва божхона хабарлари молиявий-иқтисодий газета. №35-сон, 2014 йил.
7. Бессонова Е.А. Эколого-экономическая реабилитация сельскохозяйственных земель: дисс. д.э.н: 08.00.05 / Е.А. Бессонова. - Москва, 2012. - 357 с.
8. Горчаков Я.В. Мировое органическое земледелие XXI века / Я.В. Горчаков, Д.Н. Дурманов. - М.: Издательство «ПАИМС», 2002. - 402 с.
9. Ковалёв Е. Органическое и биодинамическое земледелие / Е. Ковалев // Мировая экономика и международные отношения. - 2006. - №5. - С. 10-16.
10. Мирзажонов Қ., Рахмонов Р. Органик деҳқончилик бизга керакми? //Agroolam.uz, 29-июн, 2018 йил. <https://agro-olam.uz/organik-dehqonchilik-bizga-kerakmi>.
11. Нурбеков А., Аксой У., Муминджанов Х., Шукуров А. Органическое сельское хозяйство: Состояние, практика и перспективы. Продовольственная и сельскохозяйственная организация ООН (ФАО). Ташкент, 2018.
12. Прижуков Ф.Б. Агрономические аспекты альтернативного земледелия. Обзорная информация / Ф.Б. Прижуков. - М.: Всесоюзный НИИ информации и технико-эк. иссл. АПК, 1989. - 50 с.
13. Саримсақов Ф.Х. Дунё ва Ўзбекистонда органик қишлоқ хўжалиги ва унинг бугунги ҳолати // "Ахборотнома" илмий-амалий журналининг 2/2020-сон 12 июль, 2020 йил.
14. Сайдалиев А.У. Внедрение органического земледелия в Узбекистане // Материалы международной конференции «Развитие органического сельского хозяйства в Центральной Азии». 22-24 августа 2017 года, Ташкент, 2018. С. 175-183.
15. Содиқова С. Экологик тоза маҳсулот нима? // Адолат ижтимоий-сиёсий газетаси. №24-сон, 2016-йил.
16. Соатов О. Оценка потенциала организации органического сельского хозяйства в регионах Республики Узбекистан // Материалы международной конференции «Развитие органического сельского хозяйства в Центральной Азии». 22-24 августа 2017 года, Ташкент, 2018. С. 223-234. <http://www.fao.org/3/i8685RU/i8685ru.pdf>.

17. Соколова Ж.Е. Развитие мирового рынка продукции органического сельского хозяйства // Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. Москва-2013.
18. Цветков И.А. Повышение качества и конкурентоспособности аграрной продукции на основе эколого-инновационной деятельности: на материалах Тульской области: дисс. к.э.н.: 08.00.05 / И.А. Цветков. - Москва, 2007. - 183 с.
19. The IFOAM Norms for Organic Production and Processing: corrected version 2009 [Electronic source]. - URL: [http://www.ifoam.org/about\\_ifoam/standards/norms.html](http://www.ifoam.org/about_ifoam/standards/norms.html) (date of treatment: 20.10.2010).
20. Council Regulation (EC) No 834/2007 of 28 June 2007 on organic production and labeling of organic products and repealing Regulation (EEC) No 2092/91 // Official Journal of the European Union. - 20.07.2007.
21. Balfour E.B. The Living Soil / E.B. Balfour. - London: Faber and Faber LTD, 1948. - 223 p.
22. King F.H. Farmers of forty centuries or permanent agriculture in China, Korea and Japan. - Emmaus(Pa.): Rodale press Cop., 1911. - 441 p.
23. Howard A. An Agricultural Testament. - London: Oxford university press, 1940. - 253 p.
24. Northbourne L. Look to the Land. - NY: Sophia Perennis, 2003. - 114 p.
25. Nieberg H., Kuhnert H., Sanders J. Förderung des ökologischen Landbaus in Deutschland - Stand, Entwicklung und internationale Perspektive / Johann Heinrich von Thünen-Institut Bundesforschungsinstitut für Ländliche Räume, Wald und Fischerei (vTI). Iss. 347, 2011. - 358 p.
26. Organic agriculture, environment and food security. Environment and Natural Resources Series № 4. - Rome: Food and Agriculture Organization of the United Nations, 2002. - 258 pp.
27. Sanders J. Economic impact of agricultural liberalisation policies on organic farming in Switzerland: PhD thesis, Aberystwyth University, 2007.
28. The World of Organic Agriculture: Statistics and Emerging Trends 2021 // Research Institute of Organic Agriculture FiBL IFOAM - Organics International. Edited by Helga Willer, Jan Trávníček, Claudia Meier and Bernhard Schlatte. <http://www.organic-world.net/yearbook/yearbook-2021.html>.
29. <https://www.agroxxi.ru/stati/mirovoi-rynok-organicheskikh-produktov-prodolzhayet-rasti.html>

### ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ ҚУВВАТЛАШ-ПАРРАНДАЧИЛИК САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА

**Бобомуратов Имомкул Исламович -**  
Термиз давлат университети катта ўқитувчиси

**Аннотация.** Мақолада паррандачиликни ривожлантиришда давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг зарурияти, давлат томонидан қўллаб қувватлаш йўллари, аҳолининг паррандачилик маҳсулоларига бўлган эҳтиёжи, соҳадаги озиқ-овқат хавфсизлиги, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, давлатнинг соҳа ривожини учун имкониятлари ва уларни амалга ошириш хусусиятлари баён қилинади.

**Таянч сўзлар:** қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат хавфсизлиги, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш, паррандачилик, субсидия, лизинг тизими, имтиёзли кредитлаш, аҳоли турмуш даражаси, инвестиция.

### ГОСУДАРСТВЕННАЯ ПОДДЕРЖКА КАК ФАКТОР ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПТИЦЕВОДСТВА

**Бобомуратов Имамкул Исламович -**  
Старший учитель Термезского государственного университета

**Аннотация.** В статье описаны необходимость государственной поддержки в развитии птицеводства, способы государственной поддержки, потребность населения в продукции птицеводства, продовольственная безопасность в отрасли, повышение уровня жизни населения, возможности государства для развития и ее реализации.

**Ключевые слова:** сельское хозяйство, продовольственная безопасность, государственная поддержка, стимулы для экономического развития, птицеводство, субсидии, система лизинга, льготные кредиты, уровень жизни, инвестиция.

### GOVERNMENT SUPPORT AS A FACTOR TO INCREASE THE EFFICIENCY OF POULTRY

**Bobomuratov Imamkul Islamovich -**  
Senior teacher of Termez State University

**Annotation.** The article describes the need for state support in the development of poultry, ways of state support, the population's demand for poultry products, food security in the industry, improving the living standards of the population, the state's opportunities for development and its implementation.

**Key words.** agriculture, food security, government support, economic development incentives, poultry, subsidies, leasing system, soft loans, living standards, investment.